

**ШАРТНОМА №187**  
**( Транспорт хизмати кўрсатиш тўғрисида)**

«27» июль 2022 йил

Наманган шахар

Бизларким, куйида имзо чекувчилар бир томондан «Намангандонмаҳсулотлари» акциядорлик жамияти номидан устав асосидаги Жамият Бошқаруви раиси Маҳмудов Акмал Фарходович келгусида «Буюртмачи» деб юритилади, иккинчи томондан “TRADE ACTIVES”МЧЖ раҳбари Ф.Умаров кейинги уринларда «Бажарувчи» деб юритилади ушбу шартномани куйидаги мазмунда туздик:

**1. Шартноманинг мазмуни**

1.1 «Бажарувчи» 26.07.2022 йил кунги №124601-сонли электрон лотга асосан, «Буюртмачи»га тегишли Наманган вилояти, Поп туманида жойлашган “Попдонмаҳсулотлари” акциядорлик жамиятидан “Намангандонмаҳсулотлари” акциядорлик жамияти бош элеваторига ўзига тегишли давлат рақами 50 R 152 MA, 50 R 909 GA, 50 Z 238 MA, 50 934 ABA, 50 N 532 NA, 50 023 DBA бўлган ЗИЛ юк машиналарида (640 000 000 сўмлик) буғдой ташиш хизмати ташиш хизмати амалга ошириш, «Буюртмачи» эса ташиш хизматлари учун тўлов қилиш мажбуриятини олади.

**2. Томонларнинг мажбуриятлари.**

2.1 «Бажарувчи» ўз зиммасига куйидаги мажбуриятларни олади:

- Юкни белгиланган жойга етказиб бериш муддатидан кечиктирмасдан тайинланган жойга етказади.
- автомашинанинг техник жихатдан тўла созланган холда иш хизматларни сифатли бажаради.
- автомашинанинг суғуртаси, ёнилғи-мойлаш материаллари, техник таъмирлаш ишларини ўз хисобидан амалга оширади.
- автомашинада харакат хавфсизлигини учун ўзи жавоб беради.
- автомашинага турли йўллар билан зарар етказилса ёки авария холатлари бўлса ўзи жавобгар бўлади.

2.2 «Буюртмачи» ўз зиммасига куйидаги мажбуриятларни олади:

- автомашинани тегишли йуналишлар асосида тўла иш билан таъминлайди.
- транспорт воситалари бериш жойига етиб келгунга қадар юкни ташишга тайёрлаб қўйиш (идишларга жойлаш, юкни ташиш хужжатлари, юкни юклаш ва тушириш жойларига автомашинага ўтиш ҳукуқини берувчи рухсатномалар ва ҳоказоларни тайёрлаб қўйиш);

**3. Юк ташиш нархи ва хисоб китоблар тартиби**

3.1 «Буюртмачи» бажарувчининг кўрсатган хизмати учун молия вазирлиги томонидан тасдиқланган прейскурант асосида хақ тулайди.

3.2 «Буюртмачи» бажарувчининг бажарган хизматлари суммасини пул ўтказиш йўли билан тулаб беради.

**4. Томонларнинг жавобгарлиги.**

4.1. Томонлар мазкур шартнома шартларини бажармаганликлари ёки лозим

даражада бажармаганликлари учун Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектларининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни ва амалдаги бошқа қонун хужжатларига асосан жавобгар бўладилар.

## 5. Низоларни ҳал этиш тартиби.

5.1. Мазкур шартнома бўйича келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиқсан тақдирда, томонлар уларни судгача ҳал этиш чора тадбирларини кўрадилар. Томонлар ўртасида келиб чиқсан низолар ўзаро ҳал қилинмаган тақдирда қонунчиликда ўрнатилган тартибда суд тартибида ҳал қилинади.

## 6. Форс-мажор ва жавобгарликдан озод этиш.

6.1. Томонлардан бири шартномани форс-мажор ҳолатлари, яъни енгид бўлмайдиган куч ёки шартномани бажариш муддати мобайнида янги қонун хужжати қабул қилингани туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажармаганини исботласа, жавобгар бўлмайди.

6.2. Форс-мажор ҳолатларининг бошланиши ва тугаши тўғрисида тарафлар зудлик билан бир-бирларини ёзма равишда хабардор қилишлари ҳамда уларни аниқлашда ҳар бир тараф қатнашиши шарт.

## 7. Якунловчи қоидалар.

7.1. Шартномага томонларнинг келишуви билан ёзма равишда қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши мумкин. Шартномса ҳамда унга киритиладиган қўшимча ва ўзгартиришлар икки нусхада тузилиб, тарафлар томонидан имзоланган кундан эътиборан кучга киради ва 2023 йил “27” июль ойигача амал қиласди.

7.2. Мазкур шартнома билан тартибга солинмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва бошқа қонун хужжатлари билан тартибга солинади.6.4 Шартнома бир хил кучга эга булган икки нусхада тузилди ва томонларда бир нусхадан сакланади.

## ТОМОНЛАР ЮРИДИК МАНЗИЛГОХЛАРИ:

### «БУЮРТМАЧИ»

“Намангандонмахсулотлари” АЖ

Наманган ш, Темирйул кучаси, 5 уй

ХР: 202010000300208345001

АТБ «Агробанк» Давлатобод булими

МФО: 00259 ИНН: 200048234



Рахбар

А.Махмудов

### «БАЖАРУВЧИ»

“TRADE ACTIVES”МЧЖ

Наманган ш.Косонсой кўча 26 уй

ХР 20208000505262972001

Траст банк Наманган филиали

МФО:01060 ИНН:307625521



Ф.Умаров